



**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОДАМ  
САВДОСИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ: ТАЖРИБА ВА ЮТУҚЛАР**

**Қурязова Лайло Раҳмоновна**

*Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети, Тарих  
факултети изланувчиси (kuryazovalaylo7@gmail.com; +998 90 324 20 98)*

*УДК: 343.43 (035.3) (575.1)*

*<https://orcid.org/0009-0000-5344-5394>*

**Аннотация.** Мазкур мақолада Қорақалпоғистон Республикасида одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинади. Жумладан, норматив-ҳуқуқий база, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида кўрилаётган чора-тадбирлар, профилактика ишлари ва ахборот-маърифат кампанияларининг аҳамияти кўриб чиқилади. Шунингдек, соҳадаги муаммолар ва келгусидаги устувор вазифалар ҳам ёритилади. Мақола одам савдосининг олдини олишда тизимли ёндашув ва жамоавий ҳаракатларнинг аҳамиятини очиб беради.

**Калит сўзлар:** БМТ Конвенциялари, одам савдоси, Қорақалпоғистон, Тахтакўпир, Жўқорғи Кенгес, миграция, уюлмаган ёшлар.

**Annotation.** This article analyzes the efforts being undertaken in the Republic of Karakalpakstan to prevent and combat human trafficking. It examines the legal and regulatory framework, the joint measures implemented by law enforcement agencies and public organizations, as well as the significance of preventive actions and awareness-raising campaigns. The article also highlights the existing challenges in the field and outlines priority tasks for the future. It emphasizes the importance of a systematic approach and collective action in preventing human trafficking.



**Keywords:** UN Conventions, human trafficking, Karakalpakstan, Takhtakupir, Jokargi Kenes, migration, unemployed youth.

**Кирриш.** Сўнгги йилларда жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солаётган глобал муаммолардан бири — бу одам савдосидир. Инсон ҳуқуқларининг кўпол равишда бузилишига сабаб бўлувчи мазкур ҳолат жамиятда ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий муаммоларни келтириб чиқаради. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон, хусусан Қорақалпоғистон Республикасида одам савдосининг олдини олиш, унга қарши курашиш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Мазкур мақолада Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, ҳуқуқий асослар, жамоат ташкилотлари ва маҳаллий ҳокимият органлари ҳамкорлигида олиб борилаётган ишлар, шунингдек, бу йўналишда эришилган ютуқлар ва ҳали ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар таҳлил қилинади. Шунингдек, аёллар ва ёшлар орасида тарғибот-ташвиқот ишлари, профилактик тадбирлар ва таълим муассасаларида ўтказилган лойиҳалар мисолида соҳага тизимли ёндашувлар муҳокама қилинади.

**Асосий қисм.** Ўзбекистон Республикаси аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилган ишлар БМТ Конвенциялари, Пекин Декларацияси ва ҳаракат дастури каби халқаро маъмурий ҳужжатларга қўшилган ҳолда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича бир қатор чора-тадбирларни ҳам амалга оширди. Жумладан, 1999 йилдан буён БМТ, ҳукуматлар, турли давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида 25 ноябрдан 10 декабргача халқаро миқёсда “Аёлларга нисбатан зўравонликка қарши 16 кунлик ҳаракат” тадбирлари ўтказилди. Шу муносабат билан Ўзбекистонда ҳам 8 – декабрь Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун, 25-ноябрь халқаро аёллар ҳуқуқларини камситилишига барҳам бериш куни, 1 декабрь – Халқаро ОИТСга қарши кураш куни, 3 декабрь – Халқаро ногиронлар куни муносабати билан “Оиладаги



осойишталикдан дунё тинчлиги сари” шиори остида Қорақалпоқ Республикасида 2014 йил 3 декабрда ўтказилган акциялар ўтказилди<sup>1</sup>.

Табиийки, одам савдосининг кучайиб бориши миграция масалалари билан боғлиқ бўлди. Белгиланган қонун ва қоидаларга ҳилоф равишда аҳолининг бир мамлакатдан бошқа мамлакатга кўчиши, у ерда бўлиши ва у ердан ғайриқонуний ўтиши билан боғлиқ бўлган айнан “ноқонуний миграция” ҳам одам савдоси – одамни олиш – сотиш ёки ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш ва бошқа шу каби ноқонуний ҳаракатларни қамраб олувчи ижтимоий хавфли ҳолат бўлиб борди.

**Одам савдоси билан бир қаторда болалар меҳнатидан мажбурий фойда-ланиш каби ўта муҳим масала бор эдики, Ўзбекистон ҳукумати бу борада ҳам бир қатор чора-тадбирларни белгилаб борди. Аввало, 2007 йил 15 январда “Ўзбекистонда болалар фаровонлигини таъминлаш бўйича Ҳаракат дастури” қабул қилинди. Унда асосий мақсад 2007-2011 йилларда қисман иш куни шартлари асосида устозлик, квота ажратиш, ишга жойлаштириш имкониятларини эътиборга олиш, меҳнат қонунчилигига мувофиқ вояга етмаганлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳисобга олган ҳолда меҳнат ва дам олиш оромгоҳларини ташкил этиш, касб таълимини олган ёшларни ишга жойлаштириш ва бандлигини тезлаштириш, ишлаётган ўсмирларнинг меҳнат шароитлари мониторингини такомиллаштириш белгиланди. БМТнинг 42-сессиясида эса Ўзбекистоннинг иккинчи миллий маърузаси асосида қатор тавсиялар ишлаб чиқилди. Уларда болалар фаровонлигини оширишни таъминлаш бўйича умумий ҳаракатлар ва йўналишларнинг янги мўлжаллари глобал миқёсда белгилаб берилди.**

Қорақалпоғистон Республикаси Тахтақўпир туманида яшаган Алламберган Рейов 2007 йилнинг апрелида Ш.Утепбергенов, Н.Ерназаров,

<sup>1</sup> Ўз МА. М-17, рўйхат – 1, йиғма жилд – 175, 42 varaқ.



П.Сейтжанов, Қ.Реймов, Т.Бекбаулиевларни “Қозоғистоннинг Оқтов шаҳрида қурилишда иш бор, ойига 50 минг тенгедан ойлик бор”, деб Қозоғистонга олиб ўтади. У ерда ойлик маош 35 минг тенгегга туширилади. Шу маошга ҳам бу йигитлар ишлаб, ўз ҳақларини олиш вақти келганда қурилиши эгаси А.Рейнов билан ҳисоб -китоб қилганлигини айтиш, уларга ҳеч қандай пул бермасдан ҳайдаб солади<sup>2</sup>.

М.Есимбетов бўлса жами 34 нафар кишини “хорижда ғишт заводида ойига 25 минг тенгедан ҳақ тўланадиган иш топиб бераман”, деб алдаб олиб бориб, улардан аввал ҳам М.Есимбетов 20 нафар ўз қишлоқдошларини шу ерга олиб келиб сотган эди. М.Есимбетов бу фуқароларга жами 31 млн. 322 минг сўмдан зиёд зарар келтиради<sup>3</sup>.

Республика аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш илмий маркази томонидан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 15 майда “Меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элларга кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларни ҳисобга олишни такомиллаштириш тўғрисида”ги 97-сон қарори ижросини таъминлаш доира-сида тадқиқотларга кўра республикада чет элга ишлаш учун кетганларнинг ярмидан ортиғи 30 ёшгача бўлган ёшларни ташкил этди. Миграция сабаблари ўрганилганда асосан оиланинг иқтисодий ҳолатини яхшилаш каби вазлар кўрсатилди. Лекин, ўз ватанидан нолиб, бошқа давлатга кўчиб кетганлар ҳам бўлди. Тадқиқотчи Ш.Акрамованинг фикрича, “мамлакатимизда ҳар йили 600-700 минг аҳоли меҳнат бозорига кириб келади. Иқтисодиёт тармоқларни ва ҳудудларни ривожлантириш бўйича кўрилаётган чоралар натижасида йилига 500 мингтагача иш ўринлари яратилмоқда. Лекин, яратилган иш ўринларининг барчасига битирувчи ёшлар ишга жойлаштирилади дегани эмас. Шунинг учун қарийиб, 200 минг

<sup>2</sup> Болиев А. Нафс қопқони // Халқ сўзи. 2009 йил 18 февраль.

<sup>3</sup> Болиев А. Нафс қопқони // Халқ сўзи. 2009 йил 18 февраль.



кишининг бандлигини ташқи меҳнат миграцияси орқали таъминлашга тўғри келди<sup>4</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни, Республика Президентининг 2008 йил 8 июлдаги “Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идораларо комиссиясининг 2013-2014 йилларга мўлжалланган чора – тадбирлар режаси ижроси бўйича 2014 йил Хоразм вилояти хотин – қизларнинг қўмитасида текширувлар ўтказилди. Текширув ишлари Республика Идораларо комиссиясининг 2013 йил 28 январда ҳудудлар фаолиятини мониторинг қилиш жадвали асосида олиб борилган текширув Қорақалпоғистон Республикасида ҳам 2014 йил 22 ноябрда ўтказилди.

Республикани текшириш учун келган кеомиссия Қорақалпоғистон Республикаси ИИБдан 2014 йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра Қорақалпоғистон Республикасидан узоқ муддатга чиқиб кетганларнинг 6707 нафари хотин -қизларни ташкил этган, улардан қайтарилганларнинг сони 3171 нафарни ташкил этган. Шунингдек, яшаш жойидан чиқиб кетган хотин -қизларнинг салмоқли қисми Нукус шаҳрида 1544 нафарни, беруний туманида 1394 нафарни, Амударё туманида 737 нафарни, Элликқалъа туманида 440 ва Кегайли туманида 399 нафарни ташкил этган<sup>5</sup>.

2007 йил Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2006 йил 25 августдаги ПҚ-451 -сон “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий – маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги ҳамда 2007 йил 23 январдаги

<sup>4</sup> Акрамова Ш. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида миграция жараёнларининг ўзига хос жиҳатлари / Мамлакатимизда миграция соҳасидаги давлат бошқарувининг долзарб масалалари. Халқаро илмий нашр. – Тошкент. Бош прокуратура академияси, 2021. - 243 бет.

<sup>5</sup> Ўз МА. М-170, рўйхат – 1, йиғма жилд – 161, - 201 варак.



ПҚ -573-сонли “Ижтимоий ҳимоя йили” Давлат дастури тўғрисида”ги қарорлари ижроси самарадорлигини ўрганиш натижалари масаласи кўрилган Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Дин ишлари бўйича қўмита, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Республика Маънавият тарғибот маркази, “Маҳалла” жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, Ўзбекистон мусулмонлари идораси вакиллари билан ҳамкорликда махсус қўшма ишчи гуруҳ тузилди, тинчликка хавф солаётган ғояларни тарғиб этувчи нашрлар, босма ва электрон воситалар орқали тарқалишининг олдини олиш мақсадида мунтазам тарзда мониторинг ўтказиш ва тегишли тадбирлар белгилаш тизими йўлга қўйилган. Ишчи гуруҳ жойлардаги маънавий - маърифий ишлар ва ижтимоий аҳвол ҳолатини 17 та кўрсаткич бўйича ўрганиб, жорий йил февраль ва май ойларида 12 та вилоят, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасида 1478 та учрашув ўтказилди. Уларда 168 минг 223 нафар аҳоли вакиллари иштирок этди<sup>6</sup>.

2008 йил 1 майда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида”ги Фармонида белгиланган тадбирлардан келиб чиқиб Қорақалпоғистон Республикасида Қорақалпоқ давлат университетида турли кўргазмалар ташкил этилди. Нукус шаҳрида “Фуқаролик жамиятини шакллантириш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда жамоатчилик назоратини амалга оширишда маҳалла институтининг роли” мавзусида бағишлаб ўтказилган давра суҳбатида суд – ҳуқуқ тизимлари, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда маҳалла фуқаролари йиғинлари раислари иштирок этдилар. Фармондан келиб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикасида Адлия вазирлигининг ташаббуси билан

<sup>6</sup> Ўз МА М-37, рўйхат – 4, йиғма жилд – 1271, - 78 варақ.





Қорақалпоғистон давлат университети қошиаги 2 – академик лицейда “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг аҳамияти” мавзусида семинар ўтказилди<sup>7</sup>.

2014 йил 10 ойида узоқ муддатга уйдан чиқиб кетган аёллар ва уйга аёллар сони 3536 нафарни ташкил этган<sup>8</sup>. Нукус шаҳар, беруний, амударё, Элликқалъа, Кегейли ва Хўжали туманларида хотин -қизлар қўмиталари томонидан яшаш манзилидан узоқ муддатга чиқиб, қайтиб келган аёллар аёллар ҳақидаги маълумотлар тўлиқ тўпланмаган, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш чора – тадбирлар етарли даражада амалга оширилмаган.

2014 йил 10 ойи давомида хорижда ҳуқуқбузарликлар содир этиб, депортация қилинган хтин-қизлар 11 нафарни ташкил этиб, уларнинг фақат 3 нафарни бандлиги таъминланган, 14 нафари тиббий кўрикдан ўтказилмаган<sup>9</sup>.

2015 йилга келиб Қорақалпоғистон Республикасида Адлия вазирлиги томонидан аёллар масаласга оид 9 та ННТлар рўйхатга олинди. Бу ННТлар Қорақалпоғистон Республикаси Хотин -қизлар қўмитаси билан биргаликда 2015 йилга бориб ҳамкорлик режалари ишлиб чиқилди. Белгиланган чора – тадбирлар асосида Қорақалпоғистон Республикаси Хотин – қизлар қўмитаси, Республика Марказий банки, Микрокредит банк, Савдо – саноат палатаси, “Тадбиркор аёл” ассоциациялар билан аёллар тадбиркорлигин, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни рағбатлантиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент Фармонлари, Қарорлари ҳамда ҳукумат қарорларининг мазмун моҳиятини ва “Нодавлат нотижорат ташкилотларининг жамиятни демократлашириш ва фуқаролик жамиятни шаклланишидаги тутган ўрни ҳамда уларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ривожига қўшаётган хиссаси мавзулари

<sup>7</sup> Халмуратов Д. Инсон манфаатларига хизмат қилмоқда // Халқ сўзи. 2008 йил 26 ноябрь.

<sup>8</sup> Ўз МА. М-170, рўйхат – 1, йиғма жилд – 161, - 201 варак.

<sup>9</sup> Ўз МА. М-170, рўйхат – 1, йиғма жилд – 161, - 201 варак.



бўйича Қорақалпоғистон Республикаси миқёсида ўқув семинарлари ташкиллаштирилди<sup>10</sup>.

Ўқув семинарларда ишбилармонлик, якка тадбиркорлик ва уй меҳнати ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва аёлларнинг бизнес режаларини ёзиш, хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига ўқитиш, мастер-класслар ташкил этиш ва тикув цехларини очиш бўйича саводхонлигини оширишга эътибор қаратилди. Бундан ташқари, Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликларида бандлиги таъминланмаган хотин-қизлар ҳақида манзилли маълумотлар тўпланди. Шуниндек, соғлом турмуш тарзи ва соғлом оилани шакллантириш масалалари бўйича “Соғлом авлод учун” фонди Қорақалпоғистон Республикаси бўлими билан биргаликда 5171 та давра суҳбатлари ва тушунтириш ишлари олиб борилди. Шундан талабалар ўртасида 3270 та, идоралар, тиббиёт муассасаларида 223 та, маҳаллаларда 15 та тадбирлар ташкиллаштирилди<sup>11</sup>.

2016 йил 11 январда Нукус тиббиёт ва Амударё маиший коллежида, 15 январь куни Нукус политехника, Нукус саноат ва хизмат кўрсатиш касб – ҳунар коллежида, 16 январь Академик лицей, Амударё қишлоқ хўжалиги касб – ҳунар коллежида, Қўнғирот туман ҳокимлигида, 18 январь Шуманай туманидаги 5-сон ихтисослаштирилган мактабда, 23 январь куни Қўнғирот тиббиёт коллежида, 26 январь куни Шуманай туманидаги 24-сонли умумтаълим мактабида, 10 февраль куни Амударё туманидаги 40, 30-сонли ўрта мактабда, 26 январь куни Шуманай туманидаги 24-сонли умумтаълим мактабида, 18 февраль куни Амударё агробизнес касб-ҳунар коллежида, 2 март куни Аму-дарё мелиорация ва сув хўжалиги касб-ҳунар коллежида ва Қорақалпоғистон Республикасининг барча таълим муассасаларида “Соғлом

<sup>10</sup> Ўз МА М- 170, рўйхат – 1, йиғма жилд – 192, - 137 варақ.

<sup>11</sup> Ўз МА М- 170, рўйхат – 1, йиғма жилд – 192, - 137 варақ.





она ва бола йили” муносабати билан “Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли бўлади, жамият мастаҳкам бўлади” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди<sup>12</sup>.

“Соғлом она ва бола” йил Давлат дастурига мувофиқ 2016 йилнинг 6 февраль куни Шуман туманидаги “Мамый” ОФИда маҳаллалар яшовчи уй бекалари кекса аёл саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида аёллар орасида турмуш тарзини шакллантириш, аёллар спортининг оммавийлиги ошириш, корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган аёллар ўртасида спорт оммалаштириш мақсади мусобақа ўтказилди. Шу йили 2 март куни Кунгир нефт ва газ саноати касб-хунар коллежи хотин-қизлар ўртасида спортнинг волейбол тури бўйича спорт мусобақаси ташкил этилди. 24 март куни Кунғирот туманидаги 36 сон умумтаълим мактабида қизлар ўртаси “Жисмоний баркамоллик гўзалик рамзидир” шиори остида бадий гимнасти бўйича спорт мусобақаси ташкил этилди<sup>13</sup>.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси томонидан 2016 йил 8 февраль куни ижрога йўналтирилган “Одам савдоси – давр муаммоси” номли тарғибот лойиҳаси юзасидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режаси Хотин-қизлар қўмитасига, вилоятлар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси хотин-қизлар қўмитасига ижро учун юборилди. Унда хорижда ишлашнинг қонуний асослари ҳамда одам савдосига қарши курашнинг маҳмун-моҳиятини ёшларга тушунтириш ишларини олиб бориш вазифалари топширилди.

Бу чора-тадбирлар режасининг 9-банди ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг ҳудудий бўлимлари томонидан маҳаллаларда аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва уюшмаган ёшлар ўртасида узоқ муддатга хорижий давлатларга чиқиб кетишнинг салбий оқибатларини тушунтиришга қаратилган профилактика тадбирлари манизилли режалар

<sup>12</sup> Ўз МА. М - 170, рўйхат - 1, йиғма жилд – 218- 159 varaқ.

<sup>13</sup> Ўз МА М - 170, рўйхат - 1, йиғма жилд – 218 varaқ.



асосида тиўимли равишда ташкил этилди, бу борада бир қатор давра суҳбатлари, семинар тренинглар, конференциялар ўтказилди.

**Хулоса.** Қорақалпоғистон Республикасида одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида сўнгги йилларда амалга оширилган ишлар самарали натижаларни бермоқда. Айниқса, давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, таълим муассасалари ва маҳаллий жамоалар ўртасидаги ҳамкорлик чора-тадбирларнинг қамровини кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Қонунчилик базасининг такомиллаштирилиши, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга қаратилган профилактик ишлар, тарғибот-ташвиқот кампаниялари одам савдоси каби оғир жиноятга қарши самарали воситалар ҳисобланади. Шу билан бирга, ижтимоий ҳимоя тизимини кучайтириш, аёллар ва ёшлар бандлигини таъминлаш, миграция жараёнларини мувофиқлаштириш масалалари ҳам бу курашда муҳим аҳамият касб этади. Келгусида соҳадаги ишлар самарадорлигини ошириш учун таълим, соғлиқни сақлаш ва меҳнат соҳалари ўртасида янада яхлит ва мувофиқлаштирилган ёндашувни шакллантириш зарур.